

# Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиби

Касбий кўникмаларни ривожлантириш кафедраси доценти в.б., ю.ф.н.,
Д.Б.Рахимов

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 март “Тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 5025-сонли ҚАРОРИ**





**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 31 мартдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги 7-мҳ-сон буйруғи**

(3292-сон, 2021 йил 31 март)




**XXI АСР** – бу кўплаб глобал ўзгаришлар қаторида **давлат бошқарувида** ҳам **мутлақо янги эра** сифатида давом этмоқда, дунё давлатларида **бошқарув тизимлари, институтлари ва инструментлари** тубдан ўзгармоқда, **трансформация** жарёнлари кузатилмоқда.

**ХАЛҚЧИЛ** ҲОКИМИЯТ

ИХЧАМ ВА
**КАМ**
**ХАРАЖАТ**
ҲУКУМАТ

РАҚАМЛАШГАН, ОЧИҚ,
ШАФФОФ ВА ҲИСОБДОР БОШҚАРУВ

**ПРОФЕССИОНАЛ ВА**
**ИННОВАЦИОН**
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

ТАЙИНЛОВДАН – **САЙЛОВГА**

# АҚЛЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ

ҲАЁТИЙ ЗАРУР,
ОДДИЙ,
АНИҚ
ВА БАРҚАРОР
ҚОНУНЧИЛИК

ҲОКИМИЯТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ
**ДОИМИЙ МУЛОҚОТ**



Давлатимиз раҳбари

# Шавкат Мирзиёвнинг

“одамлар бугун яхши яшаши керак,
эртага ёки индинга эмас”,

**“халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”,**

**“инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир”,**

**“халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”**

каби ўта муҳим, ҳаётий зарур, дунё жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлган ташаббуслари

**мамлакатимизда давлат бошқарувида халққа хизмат қилиш устуворлик касб этиб, халқ манфаати марказий ўринни эгаллаётганлигидан далолатдир.**

HARAKATLAR STRATEGIYASI

2017-2021

- Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш
- Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш
- Ижтимоий соҳани ривожлантириш
- Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат

**Ҳаракатлар стратегияси** асосида қонун ижодкорлигини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор **ижобий янгиликлар жорий этилди**, хусусан:

1. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали – **regulation.gov.uz**

2. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (электрон виза қўйиш) – **project.gov.uz ишга туширилди**

3. тартибга солиш таъсирини баҳолаш йўлга қўйилди

4. тартибга солиш гильотинаси усулини қўллаш орқали иқтисодий самарасиз, амалда ўз аҳамиятини йўқотган, ортиқча харажатлар талаб қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш амалиёти жорий этилди

5. коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш мажбурий этиб белгиланди

6. идоравий ҳужжатларни босқичма-босқич камайтириш ҳамда тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш устувор вазифага айланди

## УСТУВОР

## ЙЎНАЛИШ

ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳамда ортиқча ҳужжатлар билан тартибга солишдан, амалга ошириш механизмисиз умумий тусга эга бўлган, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган, асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллардан иборат **қонунлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишдан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишдан воз кечиш**

- ✓ **“барқарор қонунчилик” тамойилини** таъминлаш,
- ✓ тизимлаштирилган қонунчилик базасини яратиш,
- ✓ қонунчиликни рақамлаштириш,
- ✓ ҳаётий муҳим қонун ҳужжатларини қабул қилиш,
- ✓ жамоатчилик фикрини инобатга олиш тизимини янада кенгайтириш

# “БЮРОКРАТИК ТАРТИБГА СОЛИШДАН – АҚЛЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ”

- ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ҲОЛИ
- БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРСИЗ
- КОРРУПЦИЯСИЗ
- СОДДА, ОЧИҚ ВА ШАФФОФ
- ОРТИҚЧА ХАРАЖАТ ВА МУДДАТСИЗ
- РАҚАМЛАШГАН
- БАРҚАРОР

**НОРМАЛАРДАН ИБОРАТ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАҚАЗО ЭТАДИ.**

# ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

**илк маротаба XX асрнинг 60 йилларидан қўлланила бошланган** ва бугунги кунда дунёнинг **60 дан ортиқ давлатларида самарали йўлга қўйилган**



# ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ НИМА?

лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган **эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш**, шунингдек, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш **мақсадларига эришилганлигини**, **самарадорлигини** ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган оқибатларни аниқлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуидир.

**«ex-ante»**
норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тартибга солиш таъсирини баҳолаш

**«ex-post»**
қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш

## “EX-ANTE” БАҲОЛАШ:

**Муаммони таҳлил қилиш, давлат аралашувининг заруратини (сабабларини) аниқлаш** — 01

**Мақсадларни белгилаш** — 02

**Муаммони ҳал қилишда муқобил усулларни ўрганиш, уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликларини аниқлаш** — 03

**Фойда ва харажатлар таҳлили ёрдамида лойиҳанинг тартибга солишни мақбул усулини танлаш ва мақсадга мувофиқлигини асослаш** — 04

05 Лойиҳанинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилиш

06 Лойиҳа қабул қилинишидан кутилаётган натижаларни аниқлаш

07 Тартибга солиш мақсадларига эришиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаш

08 Лойиҳани жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва натижалари асосида уни такомиллаштириш

# “EX-POST” БАҲОЛАШ:

1

Тартибга солиш воситасининг **натижадорлиги**, **мақсадларига эришилганлиги** ҳамда унинг қўлланилиши натижасида вужудга келган ижобий ва салбий **оқибатларини** аниқлаш

2

Тартибга солиш воситасининг **самарадорлигини** ўрганиш

3

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ўрнатилган тартибга солиш воситасининг амал қилиши **мақсадга мувофиқлиги** ёки уни бекор қилиш зарурлигини ўрганиш

# М А Қ С А Д

1. қонунчилик ҳужжатларини сифатини, самарадорлигини ва натижадорлигини ошириш
2. норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий (салбий ва ижобий) оқибатларни аниқлаш
3. жисмоний ва юридик шахсларга асоссиз харажат қилиш
ва ортиқча мажбурият юклаш, тақиқ ва чекловларни аниқлаш
4. норма ижодкорлигига жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш

# ТСТБ СУБЪЕКТЛАРИ

## ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи ёки амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказувчи давлат органи ва ташкилоти

## ЖАМОАТЧИЛИК

жисмоний ва юридик шахслар ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказиши мумкин ва натижалари ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши шарт

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ОРГАН

## ХУЛОСА БЕРУВЧИ ОРГАНЛАР

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни баҳолаш натижалари тегишли соҳа бўйича давлат органлари томонидан ўрганилади ва хулоса берилади, жумладан:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятига таъсири

Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан рақобатга таъсири

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳитга таъсири жиҳатидан ўрганилади

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ОРГАН

**Адлия вазирлигининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ) соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича асосий вазифалари**

1. Давлат органларининг ТСТБга масъул ходимларига **услубий ёрдам** кўрсатиш, **ўқитиш ва малакасини** ошириш

2. ТСТБ сифатини ўрганиш ва жараёнларини назорат қилиш, натижалари бўйича **хулоса** бериш

3. ТСТБ соҳасидаги **қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни** жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

4. Жаҳон банки **Тартибга солиш сифати рейтингидаги** Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларининг таҳлилини амалга оширади

5. regulation.gov.uz порталида **«очиқ платформа»** ташкил этилиши ва узлуксиз ишлашини таъминлаш

6. ТСТБ тизимининг ҳолати тўғрисида **ахборот** тайёрлаб, уни ОАВда эълон қилиш ҳамда Администрация ва Ҳукуматга киритиш

# ЛОЙҲАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИ ЎТКАЗИШ

Лойиҳа **ишлаб чиқувчи** томонидан

- ✓ ТСТБ бўйича **методикага** асосан баҳоланади
- ✓ натижалари бўйича ҳисобот тайёрланади
- ✓ ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

! *Давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва ТСТБга масъул ходимлари амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳамда тақдим этилган маълумот,* ***ҳисобот ва хулосаларнинг асосланганлиги ва сифати учун жавобгар ҳисобланади.***

regulation.gov.uz | НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ ПОРТАЛИ | Ўзбек

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҲИСОБОТ**

**1-боб. Умумий маълумотлар**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Ишлаб чиқувчи ва ҳамижрочи(лар)нинг номи | |
| 2 | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) тури ва номи | |
| 3 | Лойиҳани ишлаб чиқиш мақсади | |
| 4 | Лойиҳани режалаштирилган кучга кириш санаси | |

**2-боб. Лойиҳа билан ҳал этилиши кўзда тутилган муаммоларнинг таҳлили**

- - - - - - - - - - - - - - - - - - - -

**10-боб. Таклиф этилаётган тартибга солишни асосланганлигини баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар**

| | |
|---|---|
| 16 | Маълумотлар |
| | |

** Маълумотлар манбалари:* ______________________.

17. Мазкур ҳисоботнинг тўғрилиги ва келтирилган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман.

**Давлат органи ва ташкилоти раҳбари** ____________
*(имзо)*

**ЛОЙИҲАНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБОТДА ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР АКС ЭТТИРИЛАДИ**

- ечими сифатида ТСТБдан ўтказиш таклиф этилаётган муаммо тавсифи, тартибга солиш бўйича чора кўрмаслик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар таҳлили
- таклиф этилаётган тартибга солишнинг мақсади
- муаммони ҳал қилиш учун мумкин бўлган муқобил усуллар таҳлили
- фойда ва (ёки) юзага келадиган харажатларни миқдорий ҳисоблаш йўли билан амалга оширилган таҳлил ва таққослаш натижалари
- таклиф этилаётган тартибга солиш усулининг тегишли соҳага таъсири ва уни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар хавфи
- тартибга солиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ташкилий, техник, методик, ахборот ва бошқа тадбирлар

Қонунчилик ҳужжатларининг **учта муҳим йўналишга таъсири баҳоланади**



# Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг тарихи

**Данияда** давлатнинг иқтисодий ва маъмурий соҳага таъсирини баҳолаш тизими сифатида **1966 йилда жорий этилган**.
**1980 йилларда** эса, **Янги давлат менежменти (New Public Management) Концепцияси** таъсирида бошқарув қарорларини қабул қилиш сифатини ошириш мақсадида **тартибга солиш таъсирини баҳолаш ғояси пайдо бўлган.**



**АҚШ** қонунчилик ҳужжатларини **тартибга солиш таъсирини баҳолаш** тартиб-таомилидан албатта ўтказиш **мажбуриятини белгилаган** биринчи давлатлардан бўлган. Хусусан, **1981 йилдан АҚШда барча ижтимоий лойиҳаларни** тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш жорий этилган.

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРИ

## АҚШда

Президент администрациясида Тартибга солиш хизмати

## Россия Федерциясида

Иқтисодий тараққиёт вазирлигида Тартибга солиш сиёсати ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш департаменти

## Буюк Британияда

Ҳукумат аппаратида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бюроси ва алоҳида Тартибга солиш сиёсати бўйича қўмита

## Қозоғистонда

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш масалалари бўйича идоралараро ёки ҳудудий комиссияси

## Жанубий Кореяда

Ҳукуматда Тартибга солишни ислоҳ қилиш қўмитаси

## Европа Иттифоқида

Европа Комиссияси Президенти ҳузуридаги Таъсирни баҳолаш бўйича кенгаш

## “АҚЛЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ” УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ҲИСОБИГА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш орқали келгусида бўлиши **мумкин бўлган харажатларнинг олди олинган:**

**10,5** миллиард евро — **Германияда** 2000-2005 йилларда

**4,5** миллиард авст. долл. — **Австралияда** 2013-2015 йилларда

**18,2** миллиард крона — **Чехияда** 2005-2012 йилларда

**2,5** триллион рубль — **Россияда** 2020 йилда

1991 йил 1 сентябрь – 2021 йил 1 июль

Адлия вазирлигида давлат ҳисобига олинган

**34 286** та НҲҲ қабул қилинган.

ижтимоий муносабатларни жами

**25 816** та

амалдаги НҲҲлар тартибга солмоқда

**21 296**
яхлит НҲҲ

**4520**
ўзгартиш ва қўшимчалар

| | |
|---|---|
| **609** | Қонунлар |
| **3143** | Олий Мажлис палаталарининг қарорлари |
| **2265** | Президент фармонлари |
| **2493** | Президент қарорлари |
| **7673** | Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари |
| **1298** | вазирлик ва идораларнинг буйруқ ҳамда қарорлари |
| **3815** | маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари |



## Тартибга солиш ёки ҳуқуқий тартибга солиш нима?

Қандай муносабатларни ахлоқ нормалари тартибга солиши керак, қандай муносабатларни эса ҳуқуқ нормалари тартибга солиш керак?

Самарали ва сифатли тартибга солиш?

Ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари қаерда?

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш нима?

# ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ИНСТИТУТИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ РИВОЖЛАНМОҚДА

**2008**

**Илк маротаба** қонун ҳужжатлари **таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб**, мазкур тизимни жорий этишга оид чора-тадбирлар режаси белгиланган.

**2014**

**Тадбиркорлик** фаолиятига таъсир кўрсатадиган қонун ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини тартибга солиш таъсиридан ўтказиш, шу жумладан **жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жорий этилган**.

**2018**

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш **концепцияси** билан **тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини комплекс ҳуқуқий институт** сифатида шакллантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

**2019**

Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида **Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими**, Монополияга қарши курашиш давлат қўмитасида Қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларининг **рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш бошқармаси**

**2020**

**Адлия вазирлиги** ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида **Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси** ташкил этилди. Шунингдек, бугунги кунда вазирлик ва идораларда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича **165 нафар масъул ходимлар** шакллантирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# Тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

2021 йил 15 март

## I-БОСҚИЧ

(2021 йилда) қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари **тадбиркорлик фаолиятига ҳамда рақобат муҳитига таъсири жиҳатидан ТСТБдан ўтказилади:**

- хўжалик юритувчи субъектларга янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки уларни янада кенгроқ доирага татбиқ қилишни
- рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни
- юридик шахслар устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талабларни оширишни
- хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган ҳуқуқларини қисқартириш ёки уларга қўшимча мажбуриятлар ёхуд қўшимча харажатлар жорий қилишни
- хўжалик юритувчи субъектларга ҳар қандай турдаги имтиёз, кафолат, преференцияларни белгилаш, шунингдек янги ҳуқуқлар, шу жумладан эксклюзив ҳуқуқларни беришни

## II -БОСҚИЧ

(2022 йилдан) тадбиркорлик фаолиятига, фуқаролар ҳуқуқларига ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатлари баҳоланади

**Ортиқча тартибга солишга барҳам бериш, қонунчилик ҳужжатларининг ортиқча юкини камайтириш** мақсадида Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган ҳужжат билан

2020-2021 йилнинг биринчи чорагида
жами **2765 та НҲҲлар бекор қилинди**.

**878 таси**
Президент қарорлари

**1887 таси**
Ҳукуматнинг қарорлари

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг **498 та**

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармони билан **380 та** эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлари

3 Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сон қарори билан Ҳукуматнинг **1887 та қарорлари бекор қилинди.**



# ЎЗБЕКИСТОН

209 та давлат орасида

## ЖАҲОН БАНКИНИНГ БОШҚАРУВ СИФАТИ ИНДИКАТОРЛАРИ

**ТАРТИБГА СОЛИШ СИФАТИ ИНДИКАТОРИ**
бўйича




**САМАРАДОР ҲУКУМАТ ИНДИКАТОРИ**
бўйича



## СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ

бу, қуйидагиларни қамраб олган давлат бошқаруви ва норма ижодкорлигининг замонавий концепциясидир:

1 давлат хизматларини такомиллаштириш ва қонунчилик сифатини яхшилаш эвазига **давлат аралашувини камайтириш;**

2 давлат органлари фаолиятининг **шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш;**

3 ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни **(рухсат бериш) қисқартириш;**

4 киритилаётган тартибга солишнинг **бозордаги рақобатга таъсирини минималлаштириш;**

5 харажатларни, шу жумладан бизнес юритиш учун **харажатларни камайтириш;**

6 **бозор механизмларини рағбатлантириш** каби тадбирлар мажмуидир.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**